

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ТАСНИФИЙ АСОСЛАРИ

*Абдурасулов Жамшидбек*  
*СамИСИ таянч докторанти*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

Мамлакатлар миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда ҳисоб ва ҳисоботларни халқаро миқёсда мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда мамлакатларда инвестицион муҳитни шакллантириш, иқтисодиётнинг жаҳон андозаларига мос келадиган миллий моделини яратиш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, молиявий ҳисобот гармонизацияси, уларнинг муҳим ва ажралмас объекти ҳисобланган молиявий инструментлар ҳисобининг ҳозирги ҳолати, таснифи, уларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттиришни такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар алоҳида ўринга эга.

Соҳа олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида молиявий инструментлар ҳисобининг концептуал асослари, узоқ муддатли ва муддати узайтирилган дебиторлик қарзлари, пул маблағлари ва пул эквивалентлари, солиқ активлари, ҳиссали қатнашиш асосида киритилган инвестицияларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш методологиясини такомиллаштириш бўйича маълум ютуқларга эришиб келинган. Аммо, дунё даражасида молиявий активлар ҳисобига оид илғор тажрибалар ҳамда бу борадаги халқаро стандартлар тамойиллари ривожланаётган мамлакатларда тўлиқ жорий қилинишига эришилган эмас. Бундан ташқари молиявий активлар ҳисобига оид молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг (МХҲС) мамлакатлар миллий иқтисодиётида қўллашгани ўзига хос вазифаларни амалга оширишни ва ёндашувларни талаб этади. Молиявий активларни ҳисобга олишда муҳим масалалардан бири уларнинг концептуал асослари масалалари ҳисобланади. Молиявий активларнинг концептуал асослари – бу молиявий ахборот фойдаланувчилар талабларини қондириш учун молиявий активларнинг мақсади, вазифалари ҳамда таснифини ўзида мужассамлаштирадиган молиявий активлар таркиби ва элементларини тавсифловчи бўғиндир.

Бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларида бухгалтерия ҳисобининг принциплари масалалари энг муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда<sup>9</sup> бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларига узлуксизлик, ишонччилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги киритилган. Бизнинг фикримизча, принциплар илмий асосда таснифланиши лозим. Принципларни таснифлаш уларнинг молиявий ахборотларни шакллантиришда

<sup>9</sup> «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.

роли ва аҳамиятини кўрсатиб беради. Бу борада халқаро стандартлар ва қоидаларни ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида<sup>10</sup> ҳам мамлакатимизда молиявий ҳисобни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш вазифаси қўйилган. Миллий ҳисоб тизимимизни халқаро стандартларга ўтказишда даставвал унинг фундаментал қоидаларини, яъни концептуал асосларини ўрганишимиз ва миллий амалиётимизга жорий қилишга эришишимиз лозим.

“Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари”<sup>11</sup> халқаро стандартига мувофиқ молиявий ҳисобот принциплари уч гуруҳга ажратилган. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Асос бўлувчи принциплар. Бунга “фаолиятнинг узлуксизлиги” принципи киради.

Молиявий ҳисобот шундай йўл қўйилиш асосида тузиладики, бунда компания ўз операцион фаолиятини узлуксиз бўлган даврда, яъни чексиз бўлган даврда давом эттиради. Бунда компания қачон ўз фаолиятини тугатиши тўғрисида эҳтимоллар юзага келмайди. Фаолиятнинг узлуксизлиги йўл қўйилишининг моҳияти шундан иборатки, компания ўз фаолиятини тугатиш ёки кескин даражада қисқартириш каби ҳолатлар назарда тутилмаган ҳолларда давом эттиради. Агарда компания фаолияти тугатиладиган бўлса у ҳолда молиявий ҳисобот бошқа тамойиллар асосида тузилади.

2. Фундаментал сифат тавсифи принциплари. Буларга қуйидагилар киради:

2.1. Уйғунлик ёки аҳамиятлилик. Молиявий ҳисобот ахборотлари уйғун (аҳамиятли) бўлиши керак. Ахборотлар фойдаланувчилар тақдим этилаётган ахборотлар қачонки ўтган, ҳисобот даври ва келгусидаги ҳодисаларни баҳолаш ёки ўтган баҳолашларнинг тўғрилигини тасдиқлаш ҳамда тузатишлар киритиш бўйича бошқарув қарорларнинг қабул қилинишида ёрдам бера олган тақдирдагина уйғун бўлади.

2.2. Ҳаққоний ва объектив тақдим этиш. Ҳисоботларда акс эттирилаётган ахборотлар ҳуқуқий шакл учун тўлдириладиган маълумотлар бўлмасдан, балки ҳақиқатда юз берган ҳодиса ва жараёнларнинг асл моҳиятини тавсифлай олган тақдирдагина у ҳаққоний ва объектив бўлди. Ахборотлар ҳаққоний бўлиши учун улар тўлиқ, нейтрал ва аниқ бўлиши талаб этилади.

3. Ахборотларнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари. Уларга қуйидагилар кириши кўрсатилган:

3.1. таққосланувчанлик;

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. [https://nrm.uz/contentf?doc=573931\\_2019\\_yil](https://nrm.uz/contentf?doc=573931_2019_yil)

<sup>11</sup> Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. <https://www.pwc.ru/ru/training/assets/dipifr-dec2014-textbook.pdf>.  
страница 0204

- 3.2. текширувга оидлиги;
- 3.3. ўзвақтидалик;
- 3.4. тушунарлилик.

Ҳалқаро стандартда “Таққосланувчанлик, текширувга оидлик, ўз вақтидалик ва тушунарлилик уйғун ва ҳаққоний тақдим этилаётган ахборотларнинг фойдалилигини оширувчи сифат тавсифлари ҳисобланади. Ахборотларнинг фойдалилигини оширувчи сифат тавсифлари қайсидир иктисодий ҳодисаларни акс эттиришда қўлланиладиган иккита усул бир хил даражада уйғун ва ҳаққоний акс эттиришни таъминлаган ҳолларда улардан фойдаланиш тавсия этилаётганда ҳам ёрдам беради<sup>12</sup> деб тавсиф берилган.

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун моддалари талаблари асосида ишлаб чиқилган “Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари”да молиявий ҳисоботнинг принципларига қуйидагилар киритилган: “Ҳисоблаш; Икки ёқлама ёзув усулида ҳисобни юритиш; Узлуксизлик; Хўжалик операцияларини, активлар ва пасивларни пулда баҳолаш; Ишончлилик; Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик); Мазмунининг шаклдан узунлиги; Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги; Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги; Ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги; Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси; Тушунарлилик; Аҳамиятлилик; Муҳимлик; Ҳаққоний ва беғараз тасаввур этиш; Тугалланганлик; Изчиллик; Ўз вақтидалик<sup>13</sup>.

Ушбу қатордан кўришиб турибдики, миллий концептуал асосларда бухгалтерия ҳисоби принциплари қаторини келтириш ва уларга тавсиф келтириш билан чегараланган. Уларни асосий принциплар, фундаментал сифат тавсифи тамойиллари ҳамда ахборотларнинг фойдалилигини оширувчи принципларга ажратилмаган. Бу эса, уларнинг ўрнини белгилашда чалкашликларга олиб келади. Масалан, узлуксизлик бу энг асос бўлувчи принцип, шу боис уни бошқа принциплар билан бир қаторда кўрсатиб бўлмайди. Уни ажратиш керак, унинг роли ва аҳамиятига алоҳида аҳамият қаратиш керак бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, бухгалтерия ҳисобининг асос бўлувчи принциплари унинг негизини ташкил этади. Ушбу принципларга амал қилмаслик натижасида бошқа принципларнинг қўлланилиши ҳам мумкин бўлмай қолади. Фундаментал сифат тавсифи принциплари молиявий ахборотларнинг сифатини таъминловчи принциплардир. Ушбу принципларнинг қўлланилиши молиявий ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг ишончлилиги ва уйғунлигини таъминлайди. Жадвалда акс эттирилган учинчи гуруҳ принциплар ахборотларнинг фойдалилигини оширишга хизмат қилади. Ушбу принциплар таъминланган ҳоллардагина ахборотлар фойдаланувчилар учун фойдали бўлади. Ҳисоблаш методи ва капитални қўллаб қувватлаш концепти ўта муҳим ахборотларни шакллантириш ҳамда фойдани аниқлашда умумтан олинган

<sup>12</sup> [https://nrm.uz/content?doc=470813\\_konceptualnye\\_osnovy\\_finansovoy\\_otchetnosti&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/content?doc=470813_konceptualnye_osnovy_finansovoy_otchetnosti&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

<sup>13</sup> “Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари” <http://lex.uz/docs/828557>

тартибни жорий қилинишини таъминлайди. Ахборотларни ўлчаш, тан олиш, баҳолаш ва ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттиришда қўлланиладиган принциплар ахборотларнинг таққосланувчанлигини таъминлайди, уларнинг фойдалилик даражасини оширади.

Ушбу принципларнинг жадвалда келтирилган таснифи молиявий ахборотларни шакллантиришдаги ўрни, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини акс эттирган. Масалан, ахборотларнинг фойдалилигини оширишга йўналтирилган принциплар фундаментал сифат тавсифи тамойилларини амал қилинишини таъминлайди. Асос бўлувчи принциплар ва асосий концепти барча принципларнинг устун хисобланади. Таклиф қилинган тасниф молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

#### *Фойдаланилган адабиётлар:*

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. [https://nrm.uz/contentf?doc=573931\\_2019\\_yil](https://nrm.uz/contentf?doc=573931_2019_yil)

3. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. <https://www.pwc.ru/ru/training/assets/dipifr-dec2014-textbook.pdf>. *страница 02046.*

## **РЫНОК ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ: ВЗАИМОСВЯЗЬ И ВЛИЯНИЕ НА ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ**

*Ким Елена*

*докторант кафедры  
«Макроэкономический анализ  
и прогнозирование» ТГЭУ*

В современной экономической науке вопросы взаимосвязи человеческого капитала и рынка труда занимают одно из центральных мест. Многочисленные исследования показывают, что человеческий капитал — это не только центральный элемент в теории экономического роста, но и активный фактор, определяющий структуру и динамику рынка труда. Так, человеческий капитал, понимаемый как совокупность знаний, навыков, компетенций и здоровья, приносящих экономическую выгоду, является фундаментальным фактором в развитии экономики любой страны. Влияние человеческого капитала на экономический рост и производительность труда доказано многочисленными исследованиями в рамках различных экономических школ и подходов.